

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банки
акциядорлари умумий йиғилишининг
2016 йил 10 июндаги 42-сонли қарорига
ИЛОВА

**“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида
манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келган пайтда
ҳаракат қилиш тартиби түғрисида
НИЗОМ**

Муқаддима

1-§. Банк раҳбар ходимининг банк манфаатини кўзлаб фаолият юритиш мажбурияти
2-§. Манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларни
аниқлаш

3-§. Банк раҳбар ходимининг Банк кенгашини манфаатлар қарама-қаршилиги юзага
келиши түғрисида хабардор қилиш мажбурияти

4-§. Банк кенгашининг рухсатисиз Банк раҳбар ходимининг бошқа юридик шахснинг
бошқарув ва назорат органларида иштирок этишини тақиқлаш

5-§. Манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларнинг
олдини олиш

6-§. Манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятларни ҳал этиш.

Мазкур Низом Корпоратив бошқарув кодексининг 27-бандига мувофиқ ишлаб
чиқилди ва “Трастбанк” хусусий акциядорлик банкида (кейинги ўринларда – Банк) Банк
mansabдор ходимлари томонидан ҳаракат ва битим амалга оширилганда ёки улар
томонидан ахборот ошкор қилинганда манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши
мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш, бундай вазиятларнинг олдини олиш ва манфаатлар
қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятларни ҳал этиш тартибини белгилайди.

**1-§. Банк раҳбар ходимининг банк манфаатини
кўзлаб фаолият юритиш мажбурияти**

1. Банкнинг раҳбар ходими Банк манфаатини кўзлаб фаолият юритишга мажбур.
2. Банкка алоқадор бўлган шахс билан ёки унинг номидан тузиладиган битим Банкка
алоқадор бўлмаган шахс билан тузиладиган битимга қараганда анча қулай шартларга
асосланган бўлса, бундай битимни тузиш тақиқланади.

3. Банкка аффилланган шахс билан битим тузиш Ўзбекистон Республикасининг
“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш түғрисида”
қонуни талабларига риоя қилган ҳолда амалга оширилади.

**2-§. Манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши
мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш**

4. Банк бошқаруви ва (ёки) Банкнинг раҳбар ходими ҳаракати (ҳаракатсизлиги)
оқибатида мижозларнинг қонуний ҳукуқ ва манфаатлари бузилишига йўл қўйилганда
Банкнинг раҳбар ходими мулкий ёки бошқа манфаатлари билан Банк кредиторлари,

контрагентлари, омонатчилари ва бошқа мижозларининг мулкий ёки бошқа манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар натижасида Банк фаолиятида манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазият юзага келиши мумкин.

Бундан ташқари, манфаатлар қарама-қаршилиги Банк акциядорларининг ўзаро манфаатлари ўртасида, Банкнинг бошқариш органлари ва акциядорлари манфаатлари ўртасида ҳам юзага келиши мумкин.

5. Банк фаолиятида манфаатлар қарама-қаршилиги қўйидаги кўринишларда юзага келиши мумкин:

а) мажоритар ва миноритар акциядорлар ўртасида;

б) Банкнинг бошқариш органлари ва акциядорлар ўртасида;

в) Банкнинг бошқариш ва назорат органлари, раҳбар ходимлари, оддий ходимлари ва мижозлари ўртасида;

г) Банк ҳамда Банкнинг раҳбар ходими ва оддий ходими ўртасида.

6. Банкда манфаатлар қарама-қаршилиги қўйидаги ҳолларда юзага келиши мумкин:

а) Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, Банк устави ва Банк ички норматив хужжатлари талабларига риоя этилмагандан;

б) Банк уставида белгиланган тартибда ваколатли Банк бошқариш органининг дастлабки тасдиғидан ўтказмасдан йирик битим ва Банкка аффилланган шахс билан битим тузилганда;

в) Банкка алоқадор шахс билан битим Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига риоя қилинмаган ҳолда тузилганда;

г) Банкнинг бошқариш органлари томонидан Банк молиявий ҳолати ёмонлашувига олиб келиши мумкин бўлган қарорлар қабул қилинганда;

д) Банкнинг бошқариш органлари таркибига кирувчи шахслар томонидан бошқа ташкилотларнинг бошқарув органида эгаллаган лавозими ва бошқа юридик шахсларнинг устав капиталидаги улуши тўғрисида маълумотлар тақдим қилинмаганда ёки тўлиқ тақдим қилинмаганда;

е) бошқа ташкилотда раҳбар лавозимда ишлаётган шахс Банк кенгаши рухсатини олмасдан Банкка ўриндошлиқ асосида ишга қабул қилинганда;

ё) Банкнинг раҳбар (оддий) ходими ўз хизмат мажбуриятларини бажариш давомида унга маълум бўлган инсайдерлик ёки бошқа (банк сири ва/ёки тижорат сирига оид) маълумотлардан шахсий манфаат олиш мақсадида фойдаланганда;

ж) Банкнинг раҳбар (оддий) ходими ўзининг ишбилармонлик имкониятларини Банк манфаатларига зид равишда бошқа рақобатдош банкларга тақдим этганда;

з) Банкнинг раҳбар ходими томонидан тадбиркорлик фаолияти юритилганда;

- и) Банкнинг раҳбар ходими Банк ҳамкорлик қиласиган бошқа ташкилотлардан моддий манфаат кўргандা;
- й) Банкнинг раҳбар (оддий) ходими хизмат муомаласи маданияти ва одоб-ахлоқ қоидаларига риоя қилмаганда;
- к) манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазият предмети бўлиши мумкин бўлган ахборот акциядор ва бошқа манфаатдор тарафга тақдим қилинмаганда;
- л) манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келадиган бошқа ҳар қандай ҳолатда.

3-§. Банк раҳбар ходимининг Банк кенгашини манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келиши тўғрисида хабардор қилиш мажбурияти

- 7. Банкнинг раҳбар ходими манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келишига олиб келадиган маълумотни Банк кенгашига хабардор қилиши шарт.
- 8. Банк кенгаши томонидан юзага келган ҳар бир манфаатлар қарама-қаршилиги ва унинг оқибатида Банк мавқеига етказиладиган зарар таваккалчилиги кўриб чиқилади ва баҳоланади.
- 9. Манфаатлар қарама-қаршилиги ва унинг ҳал қилинганлиги тўғрисида маълумотни рақобатдош банклар ва бошқаларга ошкор қилиш тақиқланади.
- 10. Банк кенгаши манфаатлар қарама-қаршилиги тўғрисида хабар берган ва уни ўз вақтида ошкор қилган Банкнинг раҳбар ходимини таъқиб қилинишдан ҳимоя қилади.

4-§. Банк кенгашининг рухсатисиз Банк раҳбар ходимининг бошқа юридик шахснинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этишини тақиқлаш

- 11. Банк раҳбар ходимининг Банк кенгашидан рухсат олмасдан бошқа юридик шахснинг бошқарув ва назорат органларида иштирок этиши тақиқланади.
- 12. Бошқа юридик шахснинг бошқарув ва назорат органларида Банк раҳбар ходимининг иштироки Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

5-§. Манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш

- 13. Банк раҳбар ходими томонидан манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятлар олдининг олиниши Банк акциядорлари хукукини, шунингдек Банкнинг мулкий манфаати ва обрў-эътиборини ҳимоя қилишнинг энг муҳим чораларидан бири ҳисобланади.
- 14. Манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш мақсадида ушбу ҳолатларнинг бевосита иштирокчиси бўлиши мумкин бўлган манфаатдор шахс ўзига бевосита ёки билвосита маълум бўлиб қолган шу каби низонинг юзага келиши эҳтимолидан Банкни аввалдан хабардор қилиши лозим.

15. Манфаатлар қарама-қаршилигига олиб келиши мумкин бўлган вазиятларнинг олдини олиш мақсадида Банкнинг бошқариш ва назорат органлари ҳамда раҳбар ва оддий ходимлари қуидагиларга мажбур ҳисобланади:

- а) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Банк устави ва Банк ички норматив ҳужжатлари талабларига риоя этиш;
- б) манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлик вазиятни келтириб чиқариши мумкин бўлган ҳаракат (ҳаракатсизлик) ва қарорлар қабул қилишдан тийилиш;
- в) Банкнинг самарали бошқарилишини таъминлаш;
- г) Банк фаолиятида юзага келадиган таваккалчиларни самарали бошқариш;
- д) банк операциялари ва бошқа битимлар ижросида максимал самарадорликка эришиш;
- е) Банк фаолиятида қонунга зид хатти-ҳаракатларни амалга оширишга, шу жумладан жиноий фаолиятдан олинган даромадни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга йўл қўймаслик;
- ё) банк операцияларини амалга ошириш, шунингдек Банкка алоқадор бўлган шахслар, аффилланган шахслар, акциядорлар ва уларга аффилланган шахслар ҳамда Банк инсайдерлари билан битим тузиш жараёнида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларига риоя килиш;
- ж) ички назорат органлари (Банк тафтиш комиссияси ва Ички аудит департаменти) томонидан ўтказиладиган текширувларда йирик битим ва аффилланган шахслар билан тузилган битим шартларини ўрганиш;
- з) Банкка аффилланган шахслар, акциядорлар ва уларга аффилланган шахслар ҳамда Банк инсайдерлари тўғрисида ҳисбот юритиш;
- и) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига асосан Банк фаолияти тўғрисида ахборотнинг эълон қилинишини таъминлаш;
- й) Банк тўғрисида оммавий ахборот воситалари ва бошқа манбаларда эълон қилинаётган ахборот ва маълумотлар ҳаққонийлиги ва ишончлилигини таъминлаш;
- к) Банк тўғрисида эълон қилинган ҳар бир салбий ва ишончсиз ахборот бўйича ўз вақтида муносабат билдирилишини амалга ошириш;
- л) манфаатлар қарама-қаршилиги юзага келиши эҳтимоли ёки келиб чиқкан шундай қарама-қаршилик тўғрисида бевосита ўз раҳбарига хабар бериш;
- м) хизмат вазифаларини бажараётган ва иш юзасидан қарор қабул қилаётганда ўзи ва қариндошларининг шахсий манфаатини кўзламаган ҳолда фақат Банк манфаатини инобатга олиш;
- н) ҳисобланган дивидендни ўз вақтида тўлаш;

- о) мижоз томонидан Банкка топширилган пул маблағи ва бошқа қимматликлар бутлигини таъминлаш;
- п) мижоз эҳтимолий хатосидан Банк ходимининг шахсий манфаатида фойдаланишга йўл қўймаслик. Шундай хатолик юз берганда мижоз топшириғини бажаришдан аввал уни, албатта, огоҳлантириш;
- р) банк ва тижорат сирларига оид маълумотни асоссиз ошкор этмаслик, шунингдек уларни тақдим этишда имкон қадар Банк ва мижоз манфаатларини кўзлаб иш тутиш;
- с) мижоздан банк хизмати ҳақи ва бошқа тўловларни тузилган шартнома ёки Банк тарифига асосан ундириш;
- т) манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ вазият юзага келишига имконият берадиган бошқа ҳолатлар ва хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш.

6-§. Манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятларни ҳал этиш

16. Акциядорлар ўртасида ҳамда Банкнинг бошқариш органлари ва акциядорлар ўртасида юзага келган манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазият куйидагича ҳал этилиши мумкин:

- а) акциядорлар ўртасида юзага келган манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал қилиш учун Банк кенгашининг мустақил аъзосини воситачи сифатида иштириш;
- б) Банк кенгашининг мустақил аъзоси акциядорлар ўртасидаги музокарада иштирик этиши, акциядорларга юзага келган манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни тақдим этиш, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, Банк устави ва Банк ички норматив ҳужжатлари нормаларини тушунтириб бериш;
- в) Банк кенгашининг мустақил аъзоси томонидан акциядорларга маслаҳат ва тавсиялар берилиши, акциядорлар томонидан имзоланадиган манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал этилиши билан боғлиқ ҳужжатлар лойиҳасини тайёрлаш.

17. Корпоратив қарама-қаршиликлар ҳисобини Банк кенгашининг мустақил аъзоси юритади.

Банк ходими юзага келган манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ вазият тўғрисида ўзининг бевосита раҳбари орқали ушбу вазият содир бўлган куни низога оид барча ҳужжатлар ва маълумотларни илова қилган ҳолда Банк кенгашининг мустақил аъзосига ёзма равишда хабар беради.

18. Банк кенгашининг мустақил аъзоси юзага келган манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ вазият тўғрисида хабарномани у келиб тушган куни рақамланган, тикилган ва Банк бошқаруви раиси ўринбосари томонидан имзоланган ва Банк мухри билан тасдиқланган алоҳида журналда рўйхатга олади.

19. Банк кенгашининг мустақил аъзоси юзага келган манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ вазиятга дастлабки баҳо беради ва ушбу вазият Бош банкнинг тегишли таркибий тузилмаси томонидан батафсил ўрганиб чиқилиши учун барча хужжатлар ва маъулумотларни Банк бошқаруви раисига тақдим қиласди.

20. Манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятни мустақил тарзда ҳал этиш ва олдини олиш имконияти бўлмаганда Банк бошқаруви раиси юзага келган қарама-қаршилик тўғрисида барча хужжатлар ва маъулумотларни Банк кенгашига тақдим этиши лозим.

21. Манфаатлар қарама-қаршилигига оид низоли вазиятни ҳал этиш бўйича кўрилган дастлабки чора-тадбирлар ижобий натижа бермаган тақдирда, Банк кенгashi қошида мазкур вазиятни ҳал этишдан манфаатдор бўлмаган Банк кенгаши аъзолари, Банк бошқаруви аъзолари, Банк ходимлари ва четдан жалб этилган эксперталардан иборат манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятни ҳал этиш бўйича ишчи гурӯҳ тузилиши ҳам мумкин.

22. Банк кенгashi ва Банк бошқаруви юзага келган манфаатлар қарама-қаршилиги судда кўрилгунга қадар ҳал этилиши учун, Банк ва акциядорларнинг қонуний манфаатини инобатга олган ҳолда, барча чора-тадбирларни амалга оширишга мажбур ҳисобланади.

23. Манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал этиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда унинг натижасига оид маълумотлар умумлаштириш учун Банк кенгашининг мустақил аъзосига тақдим этилади.

Манфаатлар қарама-қаршилигини ҳал этиш самарадорлигини ошириш мақсадида Банк кенгашининг мустақил аъзоси бир йилда камида бир марта юзага келган манфаатлар қарама-қаршилиги билан боғлиқ низоли вазиятларни бартараф этиш юзасидан амалга оширилган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисботни Банк кенгашига тақдим этади.

24. Банк манфаатлар қарама-қаршилигига оид низоли вазият қандай усулда ҳал этилганлигидан қатъий назар уни бартараф этиш мақсадида амалга оширилган чора-тадбирлар натижасини низонинг барча тарафларига етказади.

25. Ушбу Низомда акс эттирилмаган масалалар Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари, Банк устави ва Банк ички норматив хужжатларига асосан тартибга солинади.